

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ТҮҒРИСИДА ТУШУНЧА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ, АҲАМИЯТИ ҲАМДА УЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети
Юриспруденция таълим йўналиши 3-босқич талабаси

Аннотация: ушбу мақолада иқтисодий ислоҳотлар, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик ҳисобининг бажарадиган функциялари, хўжалик ҳисобининг турлари, бухгалтерия ҳисобининг предмети, методи ҳамда мақола билан боғлиқ турли хил муносабатлар келтирилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, оператив ҳисоб, статистик ҳисоб, бухгалтерия, пул ўлчов бирлиги, натура ўлчов бирлиги, меҳнат ўлчов бирлиги, концернлар ва бошқ.

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви ўз навбатида, мавжуд қонунчилик асосини доимий равишда такомиллаштириб, уни ҳалқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни тақозо қиласди.

Бухгалтерия ҳисоби – бу ички бошқарув ва ташқи истеъмолчилар учун жорий, якуний маълумотларни, яъни ахборотларни тайёрлаш, тақдим қилиш мақсадида уларга узлуксиз ҳамда ўзаро боғлиқ кузатишлар, ўлчовлар, рўйхатга олиш, маълумотларни қайта ишлаш ва корхоналар, бирлашмалар, муассасаларнинг хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш тизимиdir.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш; маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни асосан бухгалтерия ҳисоби тақдим этади. Шу билан бирга бу фан бошқа мамлакатлар бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг илғор шаклларини иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш йўлларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этишга тавсия этади.

Кишилик жамиятининг ҳамма босқичларида ҳам иқтисодиётдаги ҳисоб турларига талаб мавжуд бўлган. Чунки ҳалқ хўжалик ҳисоби инсоният учун зарур бўлган истеъмол буюмлари, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқаларни ишлаб чиқариш, тақсимлашни ҳисобга олиш демакдир. Ҳар бир жамиятнинг ҳам асосий мақсади зарурий буюмларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлашдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш учун кишилар ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни кузатиш, жамиятда мавжуд бўлган меҳнат буюмлари, меҳнат қуролларини, ҳамда меҳнат жараёнларини ҳисобга олиб бориш зарур бўлади. Худди шу вазифани эса ҳалқ хўжалик ҳисоби бажаради. Товар айирбошлаш даврида ҳалқ хўжалик ҳисоби аҳамияти

кўпайди, чунки товар айирбошлаш учун умумий эквивалент талаб этилади. Умумий эквивалентга эса фақат ҳисоб-китобни таҳлил этиш, тўғри юргизиш орқалигина эга бўлиш мумкин, яъни алмаштириладиган товарни ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий-зарурий меҳнат миқдорини аниқлаш керак бўлади. Ишлаб чиқариш кенгайтирилган тақорор ишлаб чиқариш жараёнини ўсиши натижасида хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш мураккаблашган ва моддий ишлаб чиқариш асосида вужудга келган халқ хўжалик ҳисоби аҳамияти ошган, жамият ҳамма соҳаларида мулкларни ҳисобга олиш борасидаги, иқтисодий фаолиятини бошқаришдаги роли ошиб борган. Иқтисодий фаолиятини бошқариш халқ хўжалик ҳисоби орқали олинган маълумотлар асосида олиб борилади ва тегишли қарор ҳамда қонун-қоидалар қабул қилиниб, шулар асосида бутун иқтисодиёт фаолияти бошқарилади.

Хўжалик ҳисоби асосан қўйидаги функцияларни бажаради:

- а) иқтисодиёт тармоқларида содир бўлаётган хўжалик жараёнларини кузатиб бориш;
- б) кузатиш орқали олинган маълумотларни миқдорий кўрсатмаларда ифодалаш;
- в) корхона, ташкилот, муассаса хўжалик фаолиятларини кузатиш натижаларини маҳсус ҳужжатларда қайд этиш;
- г) маҳсус ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларни умумлаштириш ва гуруҳлаштириш, хўжалик жараёнлари устидан назорат ўрнатиш ҳамда уларга таъсир этиш.

Хўжалик ҳисобининг юқоридаги функциялари айрим корхона, муассаса, ташкилот ва умуман бутун иқтисодиётнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган жорий ва келгусидаги режа кўрсаткичларини тузишда, улар бажарилишини устидан назорат олиб боришда муҳим аҳамиятга касб этади.

Иқтисодий жараёнларни кузатиш, ташкил қилиш тегишли манбаларни ўзгаришига олиб келиш билан бирга уларга бўлган талабни ўрганиш имконини беради. Бу имкониятни фақат ҳисоб юритиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Ишлаб чиқаришни ўсиб бориши товар айирбошлашни кучайишига олиб келади. Товар айирбошлашни ўсиб бориши ҳисобни ташкил топишида алоҳида ўрин тутади. Иқтисодий ўзгаришларни ўрганишда, мулкий муносабатларни тартибга солишда ҳисобининг ўрни алоҳида бўлиб, унинг ёрдамида корхона маблағларини тўлиқлиги, бошқарув тизимини такомиллаштиришда ҳисоб кўрсаткичларидан тўғри фойдаланиш, корхона харажатларини камайтиришга, маблағлардан самарали фойдаланишга олиб келади.

Ҳисобни такомиллашиб боришига биринчидан, ишлаб чиқаришни ўсиб бориши ўз таъсирини ўтказиб борса, иккинчидан, бошқарув тизимидағи ўзгаришлар ҳам ҳисобни ривожланиб боришига асос яратади. Ҳисоб ёрдамида турли мулкчиликка асосланган корхона ва ташкилотларда амалга оширилган иқтисодий жараёнлар (ўзгаришлар) кузатилади.

Иқтисодий тараққиёт омиллари турлича бўлиб, улар бевосита маблағлар ҳаракатини тартига солиш, кузатиш ва умумлаштириш тартиби билан бир-биридан фарқ қиласди. Амалга оширилган иқтисодий ўзгаришларни тартига солишда ҳисоб турларини танлаш ва улардан фойдаланишга алоҳида аҳамият талаб қилинади.

Хўжалик ҳисоби турларини қайси биридан фойдаланиш биринчи навбатда амалга оширилаётган иқтисодий жараённи ўрганиш ва кузатиш муддатларига боғлиқ бўлса, иккинчидан маълумотларни, яъни ўтказилган кузатиш натижаларини умумлаштириш тартибига ҳам боғлиқдир.

Оператив (тезкор) ҳисоб. Корхоналарда ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш мақсадларида юритилади. Оператив (тезкор) ҳисоб муомала содир бўлаётган жойнинг ўзида ва бирор-бир хўжалик операциясини содир этиш пайтида юритилади. Бу ҳисобнинг корхона ва унинг таркибий бўлинмаларига жорий раҳбарлик қилиш мақсадида маълумотларни тезкор равишда олиш ва улардан фойдаланиш унинг фарқ қиласидиган белгиси ҳисобланади. Ҳисобнинг бу турини ташкил қилиш, юритиш учун маҳсус йўриқнома талаб қилинмайди. Тезкор ҳисобнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири маълумотни тезда йиғилиши ва етказилишидир. Назоратнинг тезкорлигини таъминлаш учун хўжалик операцияларининг бориши ҳақидаги ахборотни тезроқ олиш керак бўлади. Шунинг учун тезкор ҳисобнинг маълумотлари иложи борича осонроқ йўл билан қайд қилиниши мумкин. Уларни бевосита кузатиш йўли билан телефон, факс, телеграф, оғзаки ёки ҳужжатлар орқали етказилади. Тезкор ҳисобнинг маълумотларидан мутлоқ аниқлик талаб этилмайди, чунки уларнинг асосий вазифаси - кузатилаётган обьектларда содир бўлаётган ўзгаришларни тезлик билан хабар қилишдир. Шунинг учун амалиётда тезкор ҳисобдан фақат тахминий ахборотни олиш билан кифояланадилар.

Тезкор ҳисобнинг баъзи маълумотларидан фақат корхонанинг таркибий қисмидагина фойдаланилмай, уларни бошқарувчи органларда ҳам фойдаланилади. Бундай маълумотлар умумлаштирилиб, ички тезкор ҳисобот таркибига киритилиши мумкин. Тезкор ҳисоботнинг кўрсаткичлари айrim тармоқлар ва бутун иқтисодиёт миқёсида тегишли жараёнларни бориши устидан кузатиш ҳамда ахборотни умумлаштириш учун хизмат қиласди. Тезкор ҳисобнинг маълумотлари улардан кейинчалик фойдаланишда бухгалтерия ёки статистика ҳисобида қайта ишланади.

Статистик ҳисоб. Бу ҳисоб жамиятимизда юз берәётган оммавий, ижтимоий– иқтисодий, сиёсий ҳодисаларни ўрганиш ва назорат қилиш, улар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ҳамда қайта ишлаш тизимидан иборат. Хўжалик ҳисобининг бу тури бутун давлат иқтисодиётини ва унинг тармоқларининг ривожланиш жараёнини ўрганишга йўналтирилган. Унинг обьекти алоҳида корхона, ташкилот, бутун бир иқтисодиёт ёки унинг бирор тармоғи бўлиши мумкин.

Статистик ҳисобда ўрганаётган обьекти ва қўйилган мақсадига қараб натура, меҳнат ва пул ўлчов бирликларидан, умумлашган кўрсаткичларни олиш учун оператив ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан кенг фойдаланилади. Статистик ҳисобни юритиш, ташкил қилиш белгиланган низом ва йўриқномалар билан тартибга солинади.

Статистик ҳисобот шакллари Молия Вазирлиги, Давлат Статистика Қўмитаси, тешли идоралар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Бу ҳисобнинг ўзига ҳос хусусияти шундаки, биринчидан бир турли ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш, кузатиш ва таҳлил қилишда кўп қўлланилади, иккинчидан, бошланиш ва тугаллаш муддатлари белгиланади.

Статистик ҳисобни оператив ҳисобдан фарқи биринчидан ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўлиқ содир этилгандан кейингина олиб борилади, иккинчи фарқи ўтказилган кузатиш натижалари белгиланган ҳисобот шаклларида яхлит ва умумлаштирилган ҳолда кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳисоби – ҳар қандай мулкчилик шаклидаги корхона хўжалик фаолиятини ялпи, узлуксиз кузатиш ва назорат қилиш, содир бўлган воқеа-ҳодисаларни ҳисоб регистрларида қайд қилиш, уларга ишлов бериш ҳамда ҳужжатларга асосланган ҳолда молиявий ҳисобот кўринишида ахборотларни фойдаланувчичиларга тақдим қилиш тизимиdir.

“Бухгалтер” атамаси немис тилидан таржима қилганда, buck–китоб, halter – тутиш сўзларининг бирикмаси бўлиб, китоб тутувчи деган маънони англатади. Инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби “accounting” деб юритилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳар қандай хўжалик операцияси бўйича тегишли тарзда тузилган, барча зарурий кўрсаткичларга эга бўлган, масъул шахслар томонидан имзоланган ва тасдиқланган хужжат тузилиши керак. Бухгалтерия ҳисобнинг бошка ҳисоб турларидан фарқ қилиб, бу ҳисобнинг предмети ва методлари шаклланган бўлиб, хўжалик фаолияти давомида қонунда белгиланган моддалар бўйича фаолият юритади. Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш, фойда ва заарларини аниқлаш учун асос яратилади. Бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар асосида белгиланган муддатларда ҳисобот тузилади. Бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган асосий талаблардан бизнес режа кўрсаткичларини бажарилишини назорат қилишдир. Ўз навбатида ички имкониятлардан унумли фойдаланишни таъминлашдир.

Ҳисобнинг ҳар бир тури бир хил хўжалик операциясини турли вазиятларда кўриб чиқади, бу эса айрим босқичларда унинг фойдаланувчиларини қизиқтирадиган ахборот оқимларининг кесишишини истисно қилмайди. Бунга эришиш ҳисобнинг барча турларига ҳос бўлган муҳим хусусият, яъни бир хил ўлчовлардан: натура, меҳнат ва пул ўлчовларидан фойдаланиш туфайли мумкин бўлади. Ҳисоб ишларида қўлланиладиган ўлчов бирликларидан алоҳида-алоҳида фойдаланиш мумкин.

Шундай хўжалик жараёнлари амалга оширилади, уларда бир вақтда натурал ва пул ўлчов бирликларидан фойдаланилади.

Ўлчов бирликларини қўллаш биринчидан ҳисоб турига боғлиқ бўлса, иккинчидан амалга оширилаётган хўжалик жараёнига ҳам боғлиқдир. Ҳисоб турларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўлчов бирликларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

Натура ўлчовлари – ҳисобга олинаётган хўжалик маблағлари ва уларнинг харакатларини натура ҳолида ифодалаш учун хизмат қиласи. Натура ўлчовларини қўллаш ҳисобга олинаётган объектнинг хусусиятлари, яъни унинг физик ва истеъмол ҳоссаси фарқ қиласи.

Масалан, ҳисоб объектлари: оғирлик бирлигига (грамм, килограмм, центнер, тонна); ҳажм бирлигига (метр, кубометр); узунлик бирлигига (сантиметр, метр, километр); ҳисоб бирлигига (дона, буш) ва бошқаларда ўлчанади.

Натура ўлчов бирликлари моддий қийматликларни ҳисоблаш, тортиш ва ўлчаш натижасида олинган маълумотларни ҳисобга олиш, уларнинг миқдор ҳамда сифат ўзгаришлари устидан назорат олиб бориш учун қўлланилади. Улар ёрдамида умумлаштирувчи кўрсаткичларнинг олиниши истисно қилинади.

Меҳнат ўлчов бирлиги – маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки сарф қилинган меҳнат сарфини ўлчаш учун мўлжалланган. Уларнинг ўлчов бирлиги бўлиб минут, соат, кун ва декадалар ҳисобланади. Улар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрлари, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақини ҳисоблаш ва бошқалар назорат қилинади.

Пул ўлчов бирлиги – корхонанинг моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ, маҳсулотнинг аниқ турларини тайёрлаш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишга доир харакатларни ҳисоблаш имконини беради.

Бу вазифани Ўзбекистон Республикасида миллий валюта сўм ва унинг тийини бажаради. Пул ўлчови ёрдамида бошқа кўрсаткичларни олиш, улардан ҳосила кўрсаткичларни корхона даражасида ҳам иқтисодиёт даражасида ҳам ҳисоблаш мумкин. Корхона ва ташкилотларда қайси ўлчов бирлиги ишлатилмасин, уларнинг асосий кўрсаткичи фойда ёки зарар кўрсаткичлари пул ифодасида кўрсатилади. Ҳисобда пул ўлчов бирлигини кўпроқ қўлланилиши бошқа ўлчов бирликларига нисбатан кўпроқ ишлатилиши ҳисоб мазмунини пасайтиrmайди. Пул ўлчов бирликларини ҳисоб ишларида кенг қўлланишига асосий сабаблардан бири бу ҳар хил ўлчов бирликларида акс эттирилган кўрсаткичларни ягона пул ўлчов бирлигига умумлаштириш

имконини берса, иккинчидан, корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларни бир меъёрда юритиш имконини беради²⁴.

Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва методи

Бухгалтерия ҳисоби иқтисодиётимиздаги ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, уюшмаларда юритилиб, уларнинг хўжалик фаолиятини тўлиқ ёритиб беради.

Хўжаликлар ўз фаолиятини амалга ошириш учун эса албатта хўжалик маблағларига, уларни ташкил топиш манбаларига эга бўлишлари зарур, ҳамда улар турли содир бўладиган хўжалик жараёнларини ҳужжатларда қайд этиш орқали бу мақсадга эришадилар.

Бухгалтерия ҳисобини юритиладиган жойлар ҳисоб обьектларидан иборат.

Шунинг учун, аввалламбор бухгалтерия ҳисобининг обьектлари нима? деган саволга жавоб берамиз.

Корхона, муассасалар, уюшмалар, концернлар фаолиятидан, мулкчилик шаклидан келиб чиқиб, уларнинг хўжалик мулклари турли микдорда ва таркибда бўлади. Корхоналар фаолияти уларни иқтисодиётнинг қайси соҳасига тааллуқлигидан келиб чиқиб қўйидагича бўлиши мумкин:

- қишлоқ хўжалик корхоналари (жамоа хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва ҳ.к.);
- саноат ишлаб чиқариш корхоналари (енгил саноат, оғир саноат ва бошқалар); - маориф соҳаси муассасалари (боғча, лицей, гимназия, ҳунар-техника билим юртлари, институт, университет ва ҳ.к.);
- савдо корхоналари (воситачи корхоналар, чакана савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналари, тайёрлов корхоналари);
- соғлиқни сақлаш муассасалари; - маданий-маиший муассасалари ва ҳ.к.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланувчи корхона, муассаса, ташкилот, уюшма, концернлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасига тааллуқлиги билан ҳам гурухга ажратилади.

Масалан: қишлоқ хўжалик корхоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади, ҳамда бевосита истеъмолчига ёки қайта ишлаш учун саноат корхоналарига берилади. Саноат корхоналарида эса, озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат буюмлари (кийим-кечак, газлама, галантерея буюмлари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқалар), оғир саноат маҳсулотлари (асбоб-ускуна, автомобиль, жиҳозлар, самолётлар ва бошқалар) ишлаб чиқилади ва истеъмолчига етказилади.

Савдо корхоналарида бу маҳсулотлар бевосита истеъмолчига етказилади, яъни ушбу корхоналар ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар

²⁴Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. Тошкент молия институти. Ҳисоб ва аудит факультети. “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси. Мусаев А.Н, Жуманазаров С. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Маъruzalar matni тўплами. Тошкент -2013

ўртасида воситачи бўлиб ҳисобланади. Савдо корхонасидан бири бўлган умумий овқатланиш корхонасида эса, бевосита озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат буюмлари меҳнат воситалари орқали ишчи кучи ёрдамида қайта ишланиб тайёр маҳсулот кўринишини олади, яъни корхоналардаги барча ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳаракатлар (масалан: 12 хом-ашёларни ишлаб чиқариш цехларига сарфланиши ундан тайёр маҳсулотнинг чиқиши ва ҳ.к.) бухгалтерия ҳисобини юритиш орқали назорат қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. Тошкент молия институти. Ҳисоб ва аудит факультети. “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси. Мусаев А.Н, Жуманазаров С. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Маъruzalар матни тўплами. Тошкент -2013